

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ВИЛОЯТ БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бугун Фарғона шаҳридаги "Афросиёб" тантаналар мажмуасида вилоят байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятимиздаги олийгоҳлар, касб-хунар мактаблари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларида самарали меҳнат қилиб келаётган 350 нафарга яқин илғор устоз-мураббийлар, фахрийлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзининг машақкатли меҳнати, ижодий салоҳияти билан жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўқитувчи-мураббийларни, нуроний устоз-фаҳрийларни табриклаш учун сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшилтирди.

Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир янги авлодни тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс эканлигига эътибор қаратган вилоят ҳокими, Давлатимиз раҳбари бошчилларида юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни вилоятимизда юқори даражада ҳаётга татбиқ этиш, ўқитувчи ва мураббийлар учун муносиб шароит яратиш, уларнинг фидокорона меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар янада кенг кўламда давом эттирилишини қайд этди.

Куни кеча эълон қилинган "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўrnak кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Президент фармонига асосан давлат мукофотлари билан тақдирланган 7 нафар фарғоналик таълим фидойиларига орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди. Фарғона вилояти турк миллий маданий маркази Раиси Тахир Кападзе 30 июль - Халқлар дўстлиги куни муносабати билан эълон қилинган Президент фармонига кўра, "Дўстлик" ордени билан тақдирланган ҳамда сафарда бўлгани учун мукофоти тақдим этилмаганди. Бугунги байрам тадбирида Тахир Кападзе вилоят раҳбаридан юксак давлат мукофотини қабул қилиб олди.

Тадбирда бугунги кунда таълим тизимининг барча жабҳаларида самарали фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ва мураббийларнинг катта гуруҳи вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари, ташаккурномалари ва эсадалик совғалари билан тақдирландилар.

Вилоятимиздаги таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, гўзал тароналар эса ўйин-кулгуларга уланиб, барчага кўтаринки кайфият бағишилади.

---

2023-09-30 17:03:44